



THE CONCEPT OF CRIMES AGAINST THE SEXUAL INTEGRITY OF A MINOR AND ITS STATUS

Khaidarov Mirali Akmalovich

Law of the Republic of Uzbekistan
graduate student of the Academy of Protection
mirali.khaydarovv@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10912047>

ARTICLE INFO

Received: 25th March 2024
Accepted: 30th March 2024
Online: 31th March 2024

KEYWORDS

Children, adult, minor,
inviolability, victims, crime, sex,
violence, situation, attitude.

ABSTRACT

This article analyzes the concept of crimes against the sexual integrity of a minor and issues related to its status.

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ЖИНСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ҲОЛАТИ

Хайдаров Мирали Акмалович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистранти
mirali.khaydarovv@gmail.com
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10912047>

ARTICLE INFO

Received: 25th March 2024
Accepted: 30th March 2024
Online: 31th March 2024

KEYWORDS

Болалар, вояга, етмаган,
дахлсизлик, жабрланганлар,
жиноят, жинсий, зўрлик,
ҳолат, муносабат.

ABSTRACT

Мазкур мақолада вояга етмаган шахсни жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятлар тушунчаси ва унинг ҳолати билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган.

Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигини муҳофаза қилиш алоҳида аҳамият касб этади, у цивилизация эришган ютуқлардан бири ҳисобланади. Вояга етмаган шахснинг жинсий ҳаётга барвақт жалб қилиниши унинг жисмоний ва руҳий соғлиғига катта зарар етказишини ҳисобга олиб, унинг жинсий дахлсизлиги ҳимоя остига олинган ижтимоий қадриятлар билан бир қаторга қўйилиши лозим. Болаларнинг жинсий дахлсизлигини муҳофаза қилиш доимо Ўзбекистон юридик фанининг устувор вазибаларидан бири ҳисобланган ва шундай бўлиб қолмоқда¹.

¹ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006; Люблинский П.И. Половые посягательства против детей // Проблемы преступности: Сб.науч. трудов. – М., 1926. –С. 91.



Жинсий зўрлик болаларга нисбатан шафқатсиз муомаланинг энг хавfli ва кўпинча яширин шакли ҳисобланади. У аксарият ҳолларда боланинг руҳий ҳолати ўзига хос тарзда бузилишига сабаб бўлади, шу боис касалликларнинг халқаро таснифи ва тадқиқотчилар томонидан мустақил муаммо сифатида тан олинган. Болаларга нисбатан жинсий зўрликка доир статистика маълумотлари турли мамлакатларда ҳар хил, бироқ улар миқёси анчагина кўп. Хусусан, айрим маълумотларга кўра, АҚШ ва Буюк Британияда аёлларнинг 20-30%, эркакларнинг – 10% болалигида турли жинсий тажовузлардан жабр кўришган². Ҳар қандай бола жинсий зўрликдан жабрланиши мумкин, бундай зўрликка қизлар ўғил болаларга қараганда уч баравар кўпроқ дучор бўлади. Айрим маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳар йили ўнлаб, юзлаб болаларга нисбатан жинсий зўрлик ишлатиш ҳоллари рўйхатга олинади, бироқ, баъзи бир тадқиқотчилар фикрига кўра, жабрланганлар сони амалда расмий рўйхатга киритилганига нисбатан камида ўн баравар кўпроқдир³.

Жинсий жиноятларнинг латентлик жуда юқори бўлгани боис уларнинг тўла статистик ҳисобини юритиш мумкин бўлмаса-да, тегишли жиноят ишлари бўйича экспертиза, тергов ва суд амалиёти натижаларининг таҳлили ҳамда олиб борилган айрим тадқиқотлар бундай жиноятлар миқдори ҳозирги вақтда анча кўпайганлигини қайд этиш имконини беради⁴. Мутахассислар бу «музтоғ»нинг чўққиси холос, амалда бундай жиноятлар анча кенг тарқалган, деган фикрни илгари сурмоқдалар. Бизнинг фикримизча, бундай ҳол оилавий-маиший соҳага кўпроқ тегишлидир⁵.

Ҳозирги вақтда катталар ва болалар ўртасидаги жинсий муносабатлар аксарият мамлакатларнинг жиноят қонунига мувофиқ қаттиқ қораланади. Хусусан, АҚШ жиноят қонунига болаларнинг номусига тегиш, уларни жинсий таҳқирлаш, болани йўлдан оздириш, болаларга шилқимлик қилиш, яқин қариндошлар билан жинсий алоқада бўлганлик учун жавобгарлик назарда тутилган⁶. Болаларга нисбатан жинсий жиноят содир этганлик, уларни порнография маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки фоҳишаликка жалб этганлик учун катталар оғир жазога тортилади. Жазо чораси нафақат жинсий ҳаракатларнинг хусусиятига, балки жабрланувчининг ёшига ҳам

² Антонян Ю.М., Ткаченко А.А., Шостакович Е.В. Криминальная сексология. – М., 1999. – С. 64.

³ Пайзуллаев К.П. Вояга етмаганлар жинсий дахлсизлигига қарши тажовузларда жабрланувчининг виктимологик хусусиятлари ва унинг олдини олиш // Давлат ва ҳуқуқ, 2004. №1. – Б.46-47; Эргашев Х.Ж., Қодиров А.А. Вояга етмаган жиноят қурбонлари ва уларга етказилган зарарни қоплаш // Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2005. –Б. 332-335; Морозова Н.Б. Психические расстройства у несовершеннолетних потерпевших жертв сексуального насилия: Автореф. дисс... докт. мед. наук. – М., 1999. – С. 2.

⁴ С.С.Ниёзова. [Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасини тадқиқ қилиш бўйича илмий ёндашувлар](#). Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences.Т. 2018. №4. 82-86 бетлар.

⁵ Пулатов Ю.С. Оила-турмуш соҳасида жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактика фаолиятини янада такомиллаштириш // Оила муҳитини соғломлаштиришнинг восита ва услублари: Конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2006. –Б.53-57.; Ирсалиев А. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш зарур бўлган ўзига хос жараёнлар // Ҳуқуқ-Право-Law, 2001. №4. –Б. 22-23; Худойбергенов С. Факторы, влияющие на формирование преступного поведения несовершеннолетних // Мустақиллик йилларида юридик фан ва амалиётнинг ривожланиши: Илмий-назарий конференция материаллари. П қисм. – Тошкент, 2002. –Б. 61-64.

⁶ Нурманова А.Р. К вопросу о личности преступника в сфере бытового насилия.// Ж. Ученые труды Академии МВД Республики Казахстан. –С. 88.



боғлиқ бўлади. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар бола ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига жинсий жиноятлар турдош (ўхшаш) объектига кўра алоҳида бобга ажратилган. Оилада болаларга нисбатан содир этилган жинсий жиноятлар учун ЖК Махсус қисмининг IV ва V бобларидаги 118-, 119-, 128- ва 129-моддаларида жавобгарлик назарда тутилган⁷.

Жинсий жиноятлар орасида кичик ёшдаги болалар ва ўсмиринларнинг номусига тегиш, айниқса, хавфлидир, чунки бундай қилмиш жабрланувчига анча жиддий (жумладан, жинсий аъзоларнинг шикастланиши билан боғлиқ) жисмоний зарар етказди, аёл ёки эркак организми, бола руҳиятининг нормал ривожланиши ва шаклланишининг бузилишига сабаб бўлади, кўпинча бундай зарар жабрланувчиларнинг номусига тажовуз қилиш билан боғлиқ бўлиб, улар учун анча оғир руҳий оқибатларни вужудга келтиради. Номусга тегиш оқибатида вояга етмаган қизнинг ҳомиладор бўлиши ҳам ниҳоятда хавфлидир. Бу турдаги жиноятлар амалда анча кўп учрайди, лекин улардан атрофдагилар доим ҳам огоҳ бўлавермайди ва шу сабабли уларнинг айбдорлари жинсий таъқиб қилинмайди.

Болаларнинг жинсий дахлсизлигига тажовуз қилганлик учун жинсий жавобгарликка тортилган, аномал сексуал хулқ-атворнинг турли-туман шакллари ўзида мужассамлаштирган айбланувчилар орасида педофилия ва эфебофилияга мойил бўлганлар кўпчиликти ташкил этади. “Педофилия” атамаси икки маънода қўлланилади. Торроқ маънода у “баччабозлик”ни, кенгроқ маънода эса – “болаларга нисбатан жинсий майлнинг кучлилиги”ни англатади. Педофилиянинг алоҳида тури бўлган эфебофилия (ерheb – ўсмир) жинсий етилиш даврида иккала жинсдаги ёшларга нисбатан жинсий майлнинг кучлилигидан иборат перверсия билан тавсифланади⁸.

Педофилия болалар билан жинсий алоқа қилишга интилишда намоён бўлувчи сексуал майлнинг бузилишидир. Бола билан жинсий алоқа қилишни афзал кўрувчи, унинг сексуал фаоллиги фақат болаларга нисбатан намоён бўлган тақдирда, бундай ҳаракатлар ҳақиқий педофилия ҳисобланади. Катта ёшдаги эркакнинг қиз бола билан унинг жинсий етилиш даврида ёки бунинг арафасидаги айрим алоқалари педофилия ҳисобланмайди.

Мутахассислар жинсий алоқа қилишдаги қийинчиликлар ёки бундай алоқа қилиш имкониятининг йўқлиги туфайли юзага келган ўриндош педофилияни ҳақиқий педофилиядан фарқлайдилар. Айни ҳолда вояга етган одам билан жинсий алоқа қилиш афзалроқ бўлса-да, шахс болаларга нисбатан сексуал ҳаракатлар қилиш билан кифояланишга мажбур бўлади. Ўриндош педофилия қариллик даврида кўпроқ кузатилади⁹.

Ю.М.Антонян ва С.П.Позднякованинг маълумотларига кўра, педофилия жинсий майлнинг мазкур майл объекти ўзгариши билан боғлиқ бузилишининг қарийб ярмида

⁷ Монографиянинг 8-10-иловалари.

⁸ Сексопатология. Справочник. –М.: Медицина, 1990. –С. 427, 428, 430.

⁹ Имелинский К. Сексология и сексопатология. – М., 1987. – С. 308.



учрайди¹⁰. Бунда у жуда катта хавф туғдиради, зеро шахсда патологиянинг мазкур шакли мавжуд бўлганида у болаларга нисбатан кучли криминоген фаоллик кўрсатади ва бу ўрганилаётган муаммонинг ечимини топиш катта ижтимоий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ЖК “Жинсий эркинликка қарши жиноятлар” деб номланган IV боби (118-120-моддалар) ва “Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар” деб номланган V боби (128-129-моддалар)да назарда тутилган жиноятлар педофилия ёки эфебофилия хусусиятига эга бўлган шахслар томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Болаларга нисбатан содир этиладиган сексуал ҳаракатлар ҳар хил: болага эротик эркалаш объекти деб қараш, ўзида ёки мазкур ҳаракатлар ташаббус-корида сексуал эҳтирос қўзғатиш, петтинг, жинсий, орал ёки анал алоқаларга оғдирилишида намоён бўлиши мумкин. Амалда гомосексуал ва гетеросексуал педофилия кўпроқ учрайди.

Педофилия психиатрлар, шу жумладан суд психиатрияси мутахассислари ва айниқса сексологлар эътиборини кўпдан бери ўзига тортиб келади. Бу ҳодисага нисбатан криминологлар, криминалистлар ва жиноят ҳуқуқи соҳасидаги мутахассисларнинг қизиқиши табиийдир. Педофиллар ва уларнинг хулқ-атвори пенитенциар йўналиш мутахассислари томонидан кўп ўрганилади.

Педофилияга илк тавсифлардан бирини Р.Крафт-Эйбинг (1912) берган бўлиб, у педофилларга болаларга нисбатан бирламчи жинсий майл туғилиши, потенциянинг сақланиши, катталар билан мулоқот қилиш натижасида жинсий эҳтироснинг қўзғалиш имконияти йўқлиги хос эканлигини, жинсий алоқа қилишда қуюшқондан чиқиш ҳоллари кузатилишини, болалар уларнинг ўз жинсий эҳтиёжини қондириш объектига айланишини қайд этади. Унинг фикрича, бундай жиноятларнинг аксариятини, энг қабиҳ ва жирканчларини руҳий касаллар эмас, балки табиий жинсий муносабатлардан зеркиш натижасида, баъзан мастлик оқибатида ўз инсоний қиёфасини йўқотган соғ одамлар содир этади.

Р.Крафт-Эйбинг болаларга тажовуз қилувчи сексуал жиноятчиларни қуйидаги гуруҳларга ажратган:

1. Аёл билан нормал ва нономал жинсий алоқа қилишнинг барча усулларини синаб кўрган, ўз туйғуларини жунбушга келтириш, умуман олганда ўзига янгича жинсий лаззат бахш этиш мақсадидагина қиз боланинг номусига тегадиган бузуқ одамлар. Айни вақтда аёл билан жинсий алоқа қилиш учун жинсий қувватнинг етишмаслиги ёки потенция пайдо бўлиши учун илгари синалмаган таъсирлантирувчи омилларга эҳтиёж ҳам маълум рол ўйнаши мумкин.

2. Аёллар билан жинсий алоқа қилишда ўз потенцияси ва дадил ҳаракат қилишига ишонмайдиган ёки ҳозирча ишонмайдиган ёш йигитлар ташкил этади. Булар асосан руҳий импотенцияга ёки жинсий заифлик негизидаги импотенцияга йўлиққан ва болалар билан ахлоққа зид ҳаракатларда ўзи амалга ошира олмайдиган жинсий алоқа муодилини (эквивалентини) излаётган одамлардир. Бундай одамларга жинсий лаззат

¹⁰ Антонян Ю.М., Позднякова С.П. Сексуальные, преступления и их предупреждение. – М., 1991. –С. 31; яна қаранг: Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганлар жиний дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган тажовузларнинг содир этилиш сабаблари, шарт-шароитлари ва олдини олиш муаммолари. – Тошкент, 2005.



олиш (оргазм) ва шаҳват чиқиши (эякуляция) учун болаларни эҳтирос билан пайпаслашнинг ўзи кифоядир.

3. Ўзига қараш ёки тарбиялаш учун топширилган ўғил болалардан жинсий алоқа қилиш учун фойдаланадиган хизматкор аёллар, мураббиялар, ҳатто қариндошлар яна бир кенг тоифани ташкил этади.

Р.Крафт-Эйбинг болаларга нисбатан содир этиладиган жинсий жиноятларни таҳлил қилар экан, мазкур ҳаракатларда айбдорлар орасида қарилги туфайли ақли заифлашган, эпилепсия, алкоголизмга йўлиққанлар, туғма ақли паст одамлар анчагина эканлигини қайд этади.

Айни вақтда у мазкур одамларнинг ахлоқий туйғу ва жинсий қобилиятида нуқсонлар бор, деб ҳисоблайди. Бироқ ахлоқий бузуқлик ва жинсий заифлик ўз ҳолича субъектни ақли норасо деб топиш учун асос бўлмайди, чунки нормал жинсий алоқалардан зерикканлик, баъзан мастлик негизидаги оддий бузуқлик нафси бузуқ шахсларни бундай ғайритабiiй қилмишларни содир этишига олиб келиши мумкин. Бироқ жинсий ҳаракатнинг ғайриоддийлик даражаси қанча юқори, уни содир этган одам нормал жинсий алоқа чегарасидан жисмоний ва руҳий жиҳатдан қанча кўпроқ четга чиққан бўлса, жиноятнинг субъектив томонига баҳо беришда шунча эҳтиёт бўлиш керак¹¹.

Бошқа олимларнинг фикрига кўра, педофилияни диагностика қилиш мезонлари қаторига жинсий етилиш ёшига тўлмаган болалар билан эротик ва сексуал манипуляцияларни амалга ошириш, гетеросексуал мослашувнинг йўқлиги ёки унинг камида олти ой мобайнида сусайиши билан бирга кузатиладиган болаларга нисбатан жинсий майлнинг кучлилиги киради¹².

Бундай турдаги жиноятлар анча кўп учрайди, лекин улардан атрофдагилар доим ҳам огоҳ бўлавермайди ва шу сабабли айбдорлар жинсий таъқиб қилинмайди, яъни, юқорида қайд этиб ўтилганидек, бундай қилмишлар латентлигининг ниҳоятда юқори эканлиги билан тавсифланади¹³. Мастерс ва Жонсон маълумотларига кўра, болаларнинг номусига тегиш билан боғлиқ ҳолларнинг деярли учдан бирида жинсий уларнинг қариндоши бўлган. Б.З.Шаихова маълумотларига кўра, кичик ёшдаги (10 ёшга тўлмаган) жабрланувчиларнинг қарийб ярми ўз оила аъзолари ёки танишларининг жинсий тажовузига учраган.

Ўрганилган жинийот ишларининг барчасида сексуал ҳаракатлар жабрланувчиларнинг розилигисиз содир этилган, фақат бир ўсмир айбдорга ижобий муносабатда бўлган, унга сукут сақлаш билан розилик берган ва уларнинг муносабатлари то жабрланувчининг бувиси воқеа ҳақида ички ишлар органларига хабар бергунга қадар икки йил давом этган.

Бироқ номусга тегиш, зўрлик ишлатиб содир этиладиган сексуал ҳаракатлар ва уятсиз бузуқ ҳаракатлар, одатда, жабрланувчиларни тўғридан-тўғри бўйсундириш

¹¹ Крафт-Эйбинг Р. Половая психопатия. – М., 1996. –С. 73, 530, 544.

¹² Шостакович Б.В., Ушакова И.М., Потапов С.А. Половые преступления против детей и подростков. – Ростов-на-Дону, 1994. –С. 21.

¹³ С.С.Ниёзова. [Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси.](#) /Монография. Т. 2020.



орқали амалга оширилган, жинсий алоқа алдов йўли билан ҳам содир этилган. Жиноятчилар (78%) спиртли ичимликлар ичиб, айрим ҳолларда эса – ўта маст ҳолда бўлган¹⁴, лекин бу ҳаракатларни одатда уларнинг моҳиятини тўла англаган ҳолда содир этган. Шу нарса диққатга сазоворки, айбдорлар кўпинча ўзларининг бундай хулқ-атворини айнан мастлик билан тушунтирадилар ва баъзан ҳеч нарсани эсламасликларини қайд этадилар.

Жиноятчининг спиртли ичимликлар истеъмол қилиши ва унинг маст ҳолда жинсий жиноятни содир этиши ўртасида ўзаро алоқадорлик кўзга ташланади. Бизнинг маълумотларга кўра, ўрганилган жиноят ишларининг 78% да жиноятчилар оилада вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятларни содир этган пайтида спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, маст бўлганлар.

Тадқиқот натижалари болалиқда жинсий тажовузга дучор бўлиш хавфи ўғай ота бўлган оилада тарбияланаётган қизларга кўпроқ таҳдид солишини кўрсатади.

Масалан, Тошкент шаҳри жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди В.ни ўғай қизининг номусига текканлиги учун жазога ҳукм қилади. Хотини ишдалиқ пайтида маҳкум унинг 13 яшар қизи Ж.нинг номусига тегишга ҳаракат қилган, бироқ қиз ёрдам сўраб қичқира бошлаган. Ёрдамга қўшнилар етиб келгач, эркак қизни қўйиб юборган. В. ўз ҳаракатларини кечаси такрорлаб, Ж.нинг номусига теккан. Эртасига жабрланувчи онаси ишлайдиган касалхонага келиб, унга ўғай отаси тинимсиз ичкилик ичаётганини айтган ва ундан уйга қайтишни сўраган, бироқ уни ранжитгиси келмай юз берган воқеа ҳақида оғиз очмаган. Тунда ўғай ота яна қизнинг номусига теккан. Бу сафар Ж. бўлган воқеани онасига гапириб берган. Онаси бу ҳақда ўз дугонаси орқали ички ишлар органига хабар берган, чунки буни ўзи қилишга кўрққан. Суд тиббий экспертизаси хулосасига кўра, номусга тегиш ҳаракатлари содир этилганидан сўнг қиз узоқ вақт ухлай олмаган, юз берган воқеа унга оғир таъсир қилган, у бир неча кун кечаси билан кўз ёши тўккан¹⁵.

Боладан ўз жинсий эҳтиёжини қондириш учун фойдаланадиган оиланинг катта ёшли аъзоси унинг туйғулари ва кейинги тақдири билан мутлақо қизиқмайди, балки ўзининг жинсий майлини қондириш ҳақида ўйлайди, холос. Ҳолбуки, бундай алоқа боланинг руҳиятига бегона одам томонидан содир этилган айни шундай ҳаракатларга қараганда кўпроқ даражада шикастлантирувчи таъсир кўрсатади, чунки жабрланувчи оилавий ришталар билан боғланган, оила аъзоси ҳисобланган тажовузкорга тўла қарам бўлади. У ҳатто ўз оиласи бағрида ҳам ўзини хавфсиз ҳис этмайди ва кучли руҳий зўриқишни бошдан кечиради.

Отаси номусига теккан қизнинг аҳволи фавқулодда оғир, ҳатто фожиалидир. У отаси билан ёмон иш қилганини яхши англайди, унда айбдорлик туйғуси шаклланади, бу туйғу уни бир лаҳза ҳам тарк этмайди, шароит уни ўзи моддий жиҳатдан қарам бўлган

¹⁴ Абзалов А.Э. Жабрланувчининг ожиз аҳволидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар бўйича дастлабки терговнинг хусусиятлари: Юрид.фан.номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. автореф. –Тошкент, 2006. – Б.15.; Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг юридик таҳлили. –Тошкент, 2006; Тоҳиров Ф. Вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятларни содир этишнинг оғирлаштирувчи ҳолатлари // Давлат ва ҳуқуқ, 2004. №1. –Б. 49-52.

¹⁵ Тошкент шаҳри жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди архивидан. 122-02 рақамли жиноят иши.



ота-онасини яхши кўришга мажбур қилади. У ўзи ёрдам сўраб мурожаат қилиши мумкин бўлган одам йўқлигини ҳис қилади. У ўзи ва отаси орасидаги муносабатлардан бегоналар хабар топгудек бўлса, оила бузилса, жавобгарлик ўз зиммасига тушишини, отасини қамаб қўйишса, онаси моддий кўмаксиз қолишини ўйлаб, онасини ранжитишни истамайди. Одатда бу фикрни унга отаси уқтиради. Жабрланган бола даҳшатли ёлғизлик ва бу дунёда ортиқчалик туйғусини ҳис этади.

Шу ҳол диққатга сазоворки, баъзан ўгай ота ёки ота ўз қизининг номусига тегаётганидан она хабардор бўлади, бироқ бунга қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилмайди. Юз берган воқеани ҳар хил важлар, чунончи: эрдан айрилиш, уйдан ҳайдалиш ёки эрининг ўзидан ўч олишидан кўрқиш, атрофдагилардан уялиш, бирон-бир суистеъмолликларнинг фош бўлишидан чўчиш ва ҳ.к.ларга кўра яширишга ҳаракат қилади, аммо барча ҳолларда ҳам болага нисбатан бефарқлик одатдаги бир ҳол эканлигини қайд этади. Айрим ҳолларда ишни босди-босди қилишга уринишлар кузатилади, бунда оналар ҳар хил уйдирмалар тўқиш, қиз болани ёлғон кўрсатувлар беришга кўндиришдан ҳам қайтмайдилар¹⁶.

Аксарият ҳолларда хотин эрининг ўзини ташлаб кетишидан кўрқади, баъзан моддий сабабларга кўра шундай иш тутади. Айниқса, жиноятчи оиланинг бирдан-бир боқувчиси бўлганида, она, агар эрини қамаб қўйишса, оиласининг моддий жиҳатдан қийналиб қолишидан чўчийди¹⁷. Бунга П.нинг жиноят иши мисол бўлиши мумкин. У ишдан маст ҳолда келган ва улар билан бирга яшайдиган ва уларнинг чақалоғига қарайдиган 12 яшар қайинсинглисининг номусига теккан. Жабрланувчи ота-онасиз етим бўлган, шу сабабли уни ва укасини катта опаси мазкур оиланинг бирдан-бир боқувчиси саналган маҳкум билан бирга тарбиялаган¹⁸.

Нима учун сексуал жиноятчилар ўз тажовузларининг объектлари сифатида ўз оиласининг аъзоси бўлган вояга етмаган шахсларни танлайдилар? Балки бунинг сабаби болалар ўзлари ишонишга одатланган яқин одамларига кучли қаршилик кўрсатмаслиги, бу одам уларни осонгина кўндириши ёки алдаши мумкинлигидадир. Яқин қариндошларининг жинсий тажовузига дучор бўлган болалар юз берган воқеа ҳақида бировга оғиз очишни унча хоҳламайдилар ва ўзлари ҳам юз берган воқеанинг моҳиятини доим ҳам тушунавермайдилар. Жинсий зўрлик ишлатишнинг латентлиги жабрланувчининг ўз атрофидагилардан уялиш, ўзига нисбатан бундай ҳаракатлар содир этган шахсдан кўрқиш натижасида юз берган воқеани яширишга интилиши билан изоҳланади¹⁹. Бизнинг тадқиқотлар ҳам бунинг тўла тасдиқлайди. Ундан ташқари, ўсмирлар ўз яқинларига ёрдам ва ҳимоя сўраб мурожаат этганида, улар мазкур воқеага бефарқ қараганлар, тубанликка тушган оналар эса, жабрланувчиларнинг сўзларига қараганда, ҳатто уларни “Зрашк қилганлар” ва бунда уларнинг ўзларини айблаганлар. Вазият ўз ечимини топмагани боис ўсмирлар уйдан бош олиб чиқиб кетишга мажбур

¹⁶ Люблинский И. Кўрсатилган асар. –Б. 93.

¹⁷ S.Niyozova. [Approaches to the study of the physical and psychological prophylaxis of crimes committed against persons](#). Review of law sciences. 2018. Том 2. №4. P.18.

¹⁸ Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди архивидан. ЖСХ-1-240-2016-сонли жиноят иши.

¹⁹ Тоҳиров Ф. Жинсий жиноятлар учун жавобгарлик масалаларини ҳал этишда виктимологик муаммолар // ТДЮИ Ахборотномаси, 2006. №5. –Б. 72-77; Ниёзова С. Оила доирасида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик жиҳатлари // ТДЮИ Ахборотномаси, 2007. №14. –Б. 62.



бўлган, натижада кўчада қолган ва кейинчалик айти шу жиноятлардан жабрланган шахсларнинг ўзи ҳам жиноятга қўл урган²⁰. Ҳатто отаси номусига теккан 14 яшар қизни ўз онаси ўлдирганлиги ҳам маълум²¹.

Ўз фарзандларига нисбатан жинсий ҳаракатлар содир этиш муаммоси табиатнинг энг чигал жумбоқларидан биридир. Бундай тажовузлар инсон мавжудлигининг теран мазмунига мутлақо зиддир. Инсоният бундай ҳаракатлар билан ўз келажагини барбод қилиши, ўз меҳнати ва ижодини беҳуда ишга айлантириши мумкин²². Вояга етмаганларга нисбатан зўрлик ишлатиш кенг тарқалгани туфайли жаҳон ҳамжамияти томонидан болаларни ҳимоя қилиш ишини энг муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этилади. Бу борадаги тадқиқотларнинг аҳамияти Европа Кенгашининг Вазирлар қўмитаси аъзо-давлатларга бойлик орттириш, порнография, фоҳишалик, болалардан шахвоний мақсадда фойдаланиш мақсадида уларни савдо қилишни тақиқлаш хусусида берган R(91)II сонли тавсияларида (Вазирлар қўмитаси томонидан 1991 йил 9 сентябрда қабул қилинган) ҳам кўрсатиб ўтилган²³.

Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси Уставининг 15-моддаси «b» бандига мувофиқ, шунингдек БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси (1989)ни назарда тутиб, аъзо-давлатларга қуйидаги:

1. болалар ва вояга етмаганларни шахвоний мақсадда эксплуатация қилишнинг хусусияти ва ҳар хил шакллари (айниқса маданият даражасини ҳисобга олиб);
2. педофилиянинг табиати ва унга туртки берувчи омиллар;
3. фарзандликка олиш ва шахвоний мақсадда эксплуатация қилиш ўртасидаги алоқадорлиги;
4. оиладаги жинсий тажовузлар ва фоҳишаликнинг алоқадорлиги;
5. болалар фоҳишалиги ва порнографияси мижозларининг тавсифи, роли ва эҳтиёжлари;
6. фоҳишаликка жалб қилинган ёшларни бу йўлдан қайтариш дастурлари ва уларга касб ўргатиш масалаларига доир тадқиқотлар;
7. шахвоний индустриянинг тузилиши, халқаро тармоқлари, ўзаро алоқалари ва даромадлари;
8. порно, шахвоний-индустрия ва уюшган жиноятчиликнинг алоқадорлиги;
9. болалар ва вояга етмаганларнинг шахвоний мақсадда эксплуатация қилинишининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш воситаси сифатида жиноят адлияси органларининг имконияти ва чегаралари;

²⁰ Жиноятларга туртки берган сабаблар ва омилларни теранроқ ўрганиш бундай ҳоллар анча кўп эканлигини кўрсатади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларида жиноятчи шахсини, у жиноятга қўл уришига туртки берган сабаблар ва омилларни ҳар томонлама ўрганиш талаби қўйилади (масалан, қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Вояга етмаганларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2002 йил 15 октябрь 21-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. 1991-2006. Т.2. – Тошкент, 2007. – С. 298 б.).

²¹ Конышев Л.П. Проблемы борьбы с изнасилованиями. – М., 1985. – С. 88.

²² Назаров А. Она томонидан янги туғилган чақолоғини қасддан ўлдириш жиноятларининг ўзига хос хусусиятлари // Ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2005. №8. – 186-190 б.; Антонян Ю.М.

²³ Защита прав человека и борьба с преступностью. Документы Совета Европы. – М., 1998. – С. 192-196.



10. болаларда жинсий йўл билан ўтувчи касалликлар эпидемиологияси, сабаблари ва оқибатларининг жинсий тажовузлар ва болаларни шаҳвоний мақсадда эксплуатация қилиш билан алоқадорлигини миллий ва халқаро миқёсда тадқиқ этиш тавсия қилинади.

Хулоса қилиб, айтиш мумкинки, болаларга нисбатан содир этилган жинсий жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига баҳо беришда уларга етказилган муайян зиённи ҳисобга олиш билангина чекланмаслик керак, балки бундай қилмишларнинг жамиятдаги маънавий муҳитга, жинслар ўртасидаги алоқаларга, ёш авлодга кўрсатилаётган умумий ғамхўрликка, пировард натижада оиланинг ўзига ва унинг аъзоларига салбий таъсир кўрсатиши ҳам ёдда тутилиши лозим.

References:

1. Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006; Люблинский П.И. Половые посягательства против детей // Проблемы преступности: Сб.науч. трудов. – М., 1926. –С. 91.
2. Антонян Ю.М., Ткаченко А.А., Шостакович Е.В. Криминальная сексология. – М., 1999. –С. 64.
3. Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганлар жинсий дахлсизлигига қарши тажовузларда жабрланувчининг виктимологик хусусиятлари ва унинг олдини олиш // Давлат ва ҳуқуқ, 2004. №1. – Б.46-47; Эргашев Х.Ж., Қодиров А.А. Вояга етмаган жиноят қурбонлари ва уларга етказилган зарарни қоплаш // Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2005. –Б. 332-335; Морозова Н.Б. Психические расстройства у несовершеннолетних потерпевших жертв сексуального насилия: Автореф. дисс... докт. мед. наук. – М., 1999. – С. 2.
4. С.С.Ниёзова. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар виктимологик профилактикасини тадқиқ қилиш бўйича илмий ёндашувлар. Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences.Т. 2018. №4. 82-86 бетлар.
5. Пулатов Ю.С. Оила-турмуш соҳасида жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактика фаолиятини янада такомиллаштириш // Оила муҳитини соғломлаштиришнинг восита ва услублари: Конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2006. –Б.53-57.; Ирсалиев А. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш зарур бўлган ўзига хос жараёнлар // Ҳуқуқ-Право-Law, 2001. №4. –Б. 22-23; Худойбергенов С. Факторы, влияющие на формирование преступного поведения несовершеннолетних // Мустақиллик йилларида юридик фан ва амалиётнинг ривожланиши: Илмий-назарий конференция материаллари. II қисм. – Тошкент, 2002. – Б. 61-64.
6. Нурманова А.Р. К вопросу о личности преступника в сфере бытового насилия.// Ж. Ученые труды Академии МВД Республики Казахстан. –С. 88.



7. Монографиянинг 8-10-иловалари.
8. Сексопатология. Справочник. –М.: Медицина, 1990. –С. 427, 428, 430.
9. Имелинский К. Сексология и сексопатология. – М., 1987. – С. 308.
10. Антонян Ю.М., Позднякова С.П. Сексуальные, преступления и их предупреждение. – М., 1991. –С. 31; яна қаранг: Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганлар жиноий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган тажовузларнинг содир этилиш сабаблари, шарт-шароитлари ва олдини олиш муаммолари. – Тошкент, 2005.
11. Крафт-Эйбинг Р. Половая психопатия. – М., 1996. –С. 73, 530, 544.
12. Шостакович Б.В., Ушакова И.М., Потапов С.А. Половые преступления против детей и подростков. – Ростов-на-Дону, 1994. –С. 21.
13. С.С.Ниёзова. Шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси. /Монография. Т. 2020.
14. Абзалов А.Э. Жабрланувчининг ожиз аҳволидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар бўйича дастлабки терговнинг хусусиятлари: Юрид.фан.номзоди илмий даражасини олиш учун дисс. автореф. –Тошкент, 2006. –Б.15.; Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганлар жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятларнинг юридик таҳлили. –Тошкент, 2006; Тоҳиров Ф. Вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятларни содир этишнинг оғирлаштирувчи ҳолатлари // Давлат ва ҳуқуқ, 2004. №1. –Б. 49-52.
15. Тошкент шаҳри жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди архивидан. 122-02 рақамли жиноят иши.
16. Люблинский И. Кўрсатилган асар. –Б. 93.
17. S.Niyozova. Approaches to the study of the physical and psychological prophylaxis of crimes committed against persons. Review of law sciences. 2018. Том 2. №4. P.18.
18. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди архивидан. ЖСХ-1-240-2016-сонли жиноят иши.
19. Тоҳиров Ф. Жинсий жиноятлар учун жавобгарлик масалаларини ҳал этишда виктимологик муаммолар // ТДЮИ Ахборотномаси, 2006. №5. –Б. 72-77; Ниёзова С. Оила доирасида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик жиҳатлари // ТДЮИ Ахборотномаси, 2007. №14. –Б. 62.
20. Жиноятларга туртки берган сабаблар ва омилларни теранроқ ўрганиш бундай ҳоллар анча кўп эканлигини кўрсатади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларида жиноятчи шахсини, у жиноятга қўл уришига туртки берган сабаблар ва омилларни ҳар томонлама ўрганиш талаби қўйилади (масалан, қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Вояга етмаганларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 2002 йил 15 октябрь 21-сон Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари тўплами. 1991-2006. Т.2. – Тошкент, 2007. – 298 б.).
21. Коньшев Л.П. Проблемы борьбы с изнасилованиями. – М., 1985. –С. 88.
22. Назаров А. Она томонидан янги туғилган чақолоғини қасддан ўлдириш жиноятларининг ўзига хос хусусиятлари // Ёш олимлар илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2005. №8. –186-190 б.; Антонян Ю.М.



23. Защита прав человека и борьба с преступностью. Документы Совета Европы. – М., 1998. –С. 192-196.